

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

УЗАКОВА ГЎЗАЛ ШАРИПОВНА

**АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБИ**

12.00.06 – Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ

**ЮРИДИК ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Узакова Гўзал Шариповна

Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тартиби 3

Uzakova Guzal Sharipovna

Legal order of usage and protection of natural resources in settlements36

Узакова Гузал Шариповна

Правовой порядок пользования и охраны природных ресурсов в населённых пунктах.....63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 69

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

УЗАКОВА ГЎЗАЛ ШАРИПОВНА

**АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ**

12.00.06 – Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ.

**ЮРИДИК ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Yu69 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Усмонов Муҳаммади Бахритдинович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Холмўминов Жуманазар Тоштемирович
юридик фанлар доктори, профессор
Сафаров Джаҳонгир Исмаилович
юридик фанлар доктори, доцент
Нурматов Мирғолиб Мирзаевич
юридик фанлар доктори, доцент

Ётақчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси


Диссертация химояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 25 декабрь соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Саййиғоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (999-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).


Диссертация автореферати 2021 йил 7 декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил 7 декабрь 18-рақамли реестр баённомаси).



Активация Win
Чтобы активировать
"Параметры".


И.П.Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, юридик фанлар
доктори, профессор


Д.Ю.Хабидуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, юридик фанлар
доктори, профессор


С.С.Гулямов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, юридик фанлар
доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли пунктларининг барқарор ривожланишини таъминлаш орқали фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда аҳоли пунктлари атроф муҳитини салбий антропоген таъсирдан муҳофаза қилиш, бундай ҳудудларда табиатдан фойдаланишнинг мақбул шакллари танлаш, экологик йўналтирилган иқтисодийнинг ўсишини таъминлаш, қурилиш фаолиятида ҳам “яшил” стандартларни қўллаш аҳоли пунктларини барқарор ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари сифатида эътироф этилади. БМТ маълумотларига кўра, 2021 йилда дунё аҳолиси 8 миллиард кишига етди ва 2050 йилга бориб яна 2 миллиарддан ошқроқ кишига кўпаяди¹. ХХI асрнинг ўрталарига келиб шаҳар аҳолиси ҳар куни ўртача 200 минг кишига кўпаяди, ҳар ўн кишидан еттitasi шаҳар ҳудудларида яшайди². Бундай шароитда иқтисодий муомалага тортиладиган табиий ресурслар ҳажми, атроф муҳитга етказиладиган зарар миқдори ортиб боради, саноат, транспорт, алоқа, энергетика ва бошқа хўжалик мақсадлари учун ажратиладиган ер участкалари ҳажми ҳам кўпаяди. Бундай вазиятда табиий-антропоген тизим ҳисобланган аҳоли пунктларида аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш вазифаси устувор аҳамият касб этади.

Жаҳонда аҳоли пунктларининг ҳал қилиниши зарур бўлган асосий экологик муаммолари сифатида атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ ифлосланиши, шовқин таъсири, шаҳарлар ва уларга туташ ҳудудлар “яшил” майдони ўлчамининг камайиши, шаҳарлар экологик ривожланиши бўйича ягона давлат сиёсатининг йўқлиги, ҳудудий режалаштириш ва шаҳарсозлик зоналаштирилишининг қисман экологиялаштирилиши кабилар эътироф этилмоқда. Ушбу муаммоларнинг ҳал қилиниши “яшил ўсиш” йўлига ўтиш, энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, чиқитсиз технологияларни жорий этиш, қурилиш жараёнини экологизациялаштириш (жумладан, энергия тежамкор бино-иншоотлар ва уй-жойларни барпо этиш), экологик жиҳатдан самарали инновацион технологияларни жорий этиш, аҳоли пунктларидаги дарахтлар ва бошқа кўкаламзорларнинг меъёрини сақлашга эришиш, маиший чиқинди билан боғлиқ ишларни самарали бошқариш мақсадида аҳоли пунктларида атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларини такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси давлат экологик сиёсатида ушбу йўналишлар устувор аҳамият касб этиб, мамлакатимиз ҳозирги ислохотлар босқичида фуқароларнинг аҳоли пунктларида экологик хавфсиз ва қулай муҳитда яшашини таъминлаш мақсадида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ Интернет сайти: www.countrymeters.info (Население Земли)

² State of world's cities 2012/2013. Prosperity of Cities. United Nations Human Settlements Programme, 2012.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва уни амалга ошириш юзасидан қабул қилинган давлат дастурлари доирасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда³. Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу чора-тадбирларнинг мантикий давоми сифатида бугунги куннинг глобал экологик муаммолари ва уларнинг салбий таъсирига қарши кураш “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”нинг алоҳида – олтинчи йўналиши сифатида белгилаб берилди⁴.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992), “Экологик экспертиза тўғрисида”ги (2000), “Экологик назорат тўғрисида”ги (2013), “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Шаҳарсозлик кодекси (2021), Ер кодекси (1998), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ–5863-сон Фармони билан тасдиқланган “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон қарори билан тасдиқланган “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ–4477-сон қарори билан тасдиқланган “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш Стратегияси” ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // www.lex.uz; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // www.lex.uz; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // www.lex.uz; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // www.lex.uz; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // www.lex.uz.

⁴ Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттираемиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. 06.11.2021. <https://president.uz/uz/lists/view/4743>

ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵. Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида экологик-ҳуқуқий тадқиқотлар ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий марказларида, жумладан Cambridge University, Manchester University, Oxford University, Centre for Environmental Policy Imperial College London (Буюк Британия), The University of Applied Sciences Mittweida, Humboldt Universität (Германия), The University of Sorbonne (Франция), National University of Seoul (Жанубий Корея), Kyoto University (Япония), Indiana University, Yale Center for Environmental Law and Policy, IUCN Academy of Environmental Law, Odum School of Ecology University of Georgia, Massachusetts Institute of Technology, (АҚШ), Warsaw University of Life Sciences (Польша), Stockholm Environmental Law and Policy Centre, Uppsala universitet (Швеция), Maastricht University, University of Groningen, Utrecht University (Нидерландия), Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), The Centre for Environmental Law (Ҳиндистон), Tartu Ülikool, Estonian Environmental Law Centre (Эстония), Academy of European Law (Венгрия), Беларусь давлат университетининг Халқаро давлат экология институтида (Беларусь), Москва давлат университети (Россия) олиб борилмоқда.

Жаҳонда аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: урбанизациянинг атроф муҳитга таъсирини камайтириш орқали атроф муҳитни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш асослантирилган (IUCN Academy of Environmental Law (АҚШ), The Centre for Environmental Law (Ҳиндистон); атроф муҳитга таъсирни баҳолаш институтини жорий этиш орқали аҳоли пунктларида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни замонавий ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ривожлантириш зарурати асослантирилган (Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), University of Groningen (Нидерландия); шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизимини экологизация қилишнинг заруратини очиқ бериш орқали атроф муҳит сифатига оид халқаро, Европа ва миллий қонун ҳужжатларини ўзаро нисбати аниқланган (Indiana University (АҚШ), Utrecht University (Нидерландия); аҳоли пунктларида “яшил ҳудудлар”ни ташкил этиш ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш орқали глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича таъсирчан ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилган (Yale Center for

⁵ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.ox.ac.uk>; <https://www.cam.ac.uk>; <http://www.manchester.ac.uk>; <http://www.hu-berlin.de>; www.hs-mittweida.de; <http://www.sorbonne-university.com>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.useoul.edu>; <http://web.mit.edu>; <https://www.ecology.uga.edu>; <https://www.indiana.edu>; <http://www.sggw.pl>; <http://www.uu.se>; <https://www.uu.nl/en>; www.rug.nl; <http://www.wvfindia.org>; <http://www.mq.edu.au>; <https://www.era.int>; <https://www.ut.ee>; <https://www.k6k.ee>; <https://www.msu.ru>; www.iseu.bsu.by.

Environmental Law & Policy (АҚШ), Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция); шаҳар аҳоли пунктларида маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда экологик тоза услубларни, энергия тежовчи технологияларни қўллайдиган субъектларни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш зарурати асослаб берилган (Беларусь давлат университетининг Халқаро давлат экология институти (Беларусь), Москва давлат университети (Россия)).

Шунингдек, бугунги кунда дунёда ушбу муаммо бўйича қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: аҳоли пунктларида экологик зарарнинг олдини олиш, ҳисоблаш ва қоплашга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш; шаҳар аҳоли пунктларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувининг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш; урбанизация шароитида шаҳарсозлик ва қурилиш фаолиятини экологизациялаш; аҳоли пунктларида саноатни экологизациялаш ва экологик тадбиркорликни иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштириш ва шу кабилар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олимлари Д.У.Арипов, У.Т.Аюбов, Й.О.Жўраев, Р.Х.Кенжаев, М.Р.Мирзаабдуллаева, О.Х.Нарзуллаев, М.М.Нурматов, Н.Ш.Ражабов, Ж.И.Сафаров, Н.К.Скрипников, М.Б.Усмонов, О.Д.Утегенов, Ш.Х.Файзиев, Ж.Т.Холмўминов ва бошқа олимларнинг илмий асарларида аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг айрим ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган.

МДҲ мамлакатлари олимлари томонидан аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари А.Ю.Александрова, С.В.Андреев, А.П.Анисимов, Е.С.Бедова, Н.А.Богданов, С.А.Боголюбов, Е.С.Болтанова, А.А.Борисов, М.М.Бринчук, Е.В.Варонько, А.О.Воронин, Ю.В.Грицкова, Н.В.Гулак, В.Д.Демидович, Б.В.Ерофеев, Н.Г.Жаворонкова, О.М.Козырь, А.С.Красюкова, Н.Л.Лисина, В.И.Лозо, О.О.Макаров, Т.И.Макарова, Д.Л.Мальцев, Н.Н.Мельников, Э.Ф.Нигматуллина, Е.А.Носков, С.А.Помещикова, Е.А.Савельева, А.А.Савченко, О.А.Чуканова, О.В.Шатрова, Л.Н.Чолтян ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Е.А.Гарвин, Ж.Руссел, Ж.Мажорс, Р.Ҳилл, С.Стюарт, Ж.Товей, Г.Винтер, К.Дунер, Л.Кремер, Д.Хугес, В.Т.Даума, Д.Чзешовски, Т.Хаук, Г.Хаусладен, М.Микиугу, В.Кианна, И.Киношита, А.Дунн, Д.Адамс, С.Ваткинс, М.Вайт ва бошқалар мавзу предмети доирасида илмий изланиш олиб борганлар.⁶

Мамлакатимизда ушбу мавзунинг долзарб масалалари, хусусан, аҳоли пунктларида қурилиш фаолиятини экологизациялашнинг ҳуқуқий талаблари, аҳоли пункти ҳудудларини зоналаштиришнинг ҳуқуқий масалалари, аҳоли

⁶ Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

пунктларида табиий ресурслар соҳасида давлат бошқаруви фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга доир масалалар махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот ишининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг 2017 йил 29 майдаги (10-сон баённома) мажлисида тасдиқланган ва университет илмий-тадқиқот режалари дастурига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда уни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг умумий тавсифи ва принципларини таҳлил қилиш;

аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш;

аҳоли пунктларининг барқарор ривожланишини таъминлашда аҳоли пунктлари ерларининг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

аҳоли пунктларида қурилиш фаолиятини амалга оширишни экологик-ҳуқуқий таъминлашнинг юридик табиатини очиқ бериш;

аҳоли пунктларида қурилиш фаолиятини экологизациялаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида аҳоли пункти ҳудудларини зоналаштиришнинг экологик-ҳуқуқий талабларини ўрганиш;

аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш масалаларини тадқиқ этиш;

аҳоли пунктларида атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларининг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

аҳоли пунктларида табиий ресурслар соҳасида давлат бошқаруви фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

айрим хорижий мамлакатларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонунчилигини таҳлил қилиш;

аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари иштироки юзасидан таклифлар шакллантириш;

аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ экологик-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети аҳоли пунктлари атроф муҳитига оид қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти, соҳага оид халқаро ва хорижий тажриба ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини ёзишда кузатиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, мантиқийлик, тизимлилик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

деҳқон хўжалиги фойдаланишида бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисмини бошқа юридик ёки жисмоний шахсга вақтинча фойдаланишга беришнинг қонуний тартибини белгилаш зарурати мавжудлиги илмий-ҳуқуқий жиҳатдан асослантирилган;

рекреация зоналарини ташкил этишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси иштирок этиши зарурлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикасининг ёш фуқароларига Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашининг биргаликда берилган тавсиясига кўра деҳқон хўжалиги юритиш мақсадида ер участкалари бериш тартибининг қонунчиликда белгиланиши аҳоли пунктларида томорқа ерларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига хизмат қилиши асослантирилган;

маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг бош режа лойиҳалари ишлаб чиқиши билан бир вақтда қишлоқ (овул) аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ёндош маҳаллаларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемасини ҳам ишлаб чиқиш зарурати ер-ҳуқуқий ва шаҳарсозлик-ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилган;

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини аукцион орқали доимий фойдаланишга беришда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан экологик экспертизадан ўтказиладиган объектларни қуришга ер участкасини танлаш материаллари бўйича хулоса бериш учун тўлов ундирилмаслигининг қонунчиликда белгиланиши “яшил иқтисодиёт”нинг ривожланишига хизмат қилиши асослантирилган;

ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органларининг ваколатли орган сифатида қонунчиликда белгиланиши аҳоли пункти ерларидан фойдаланишда ер ва шаҳарсозлик

қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар билан бир қаторда экологик-ҳуқуқий талабларга ҳам риоя қилиниши зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунларини такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлар фуқароларнинг аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш, аҳоли пункти ер участкаларини бериш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, аҳоли пунктларидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга хизмат қилади.

Бугунги кундаги демографик вазият мамлакатимиз қишлоқ (овул) аҳоли пунктлари ҳудудларини режалаштиришда уларнинг истиқболли кенгайишини ҳам назарда тутишни тақозо этмоқда. Шунингдек, қишлоқ (овул) аҳоли пунктларига ёндош маҳаллаларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантиришнинг режалаштирилиши мавжуд қишлоқ ҳудудининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, шу йўл билан фуқароларнинг “қулай яшаш муҳити”га эга бўлиш ҳуқуқи таъминланишига асос бўлади.

Бутун дунё миқёсида бугунги кунда “яшил шаҳар”ларни барпо этиш, “яшил қурилиш”, “яшил иқтисодиёт”ни амалга ошириш ишлари оммавий тус олмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам ушбу йўналишда муайян чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай лойиҳаларни амалга оширишда айниқса, қурилиш жараёнини экологизациялаштириш, энергия тежамкор бино-иншоотларни қуриш, экологик стандартларга мос қурилиш материалларидан фойдаланиш кабилар муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли тадбиркорлик мақсадларида қуриладиган бино-иншоотлар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан экологик экспертизадан ўтказилганда, ер участкасини танлаш материаллари бўйича хулоса бериш учун тўлов ундирилмаслиги “яшил қурилиш” ишларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Аҳоли пунктларидаги энг долзарб муаммолардан бири – бу ўзбошимчалик билан ер участкаларининг эгалланиши, уларда ноқонуний қурилишларнинг амалга оширилишидир. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши давлатнинг ерга бўлган мулк ҳуқуқи бузилишига олиб келади ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ерга бўлган қонуний ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларининг ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишда ваколатли орган сифатида иштирок этиши бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси,

қонунни қўллаш амалиётига асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижаларнинг айримлари ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, экология ва ер соҳасидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Экология ҳуқуқи”, “Ер ҳуқуқи” ва “Табиий ресурслар ҳуқуқи” фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шаҳарсозлик ва қурилиш қонунчилигини экологизациялаш, қурилиш саноатида “яшил” стандартларни жорий этиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, олий юридик таълим муассасалари ўқув жараёнида қўлланилаётганлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

деҳқон хўжаликлари ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкаларини ёки ушбу ер участкаларининг бир қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга тарафларнинг келишуви асосида бериши ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-639-сон қонунининг 4-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги 604-І-сонли Қонунининг 9-моддасини еттинчи қисмида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 11 январдаги 04/4-05-3 сон маълумотномаси*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши фуқароларнинг ердан ноқонуний фойдаланишининг олдини олишга ва томорқа ерларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

рекреация зоналари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилиши ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги 710-II-сонли Қонунининг 38-моддасини иккинчи қисм билан тўлдиришда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 11 январдаги 04/4-05-3 сон маълумотномаси*). Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг рекреация зоналарини ташкил этишда иштирок этиши мамлакатимизда ички туризмни ривожлантиришга хизмат қилади;

Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашининг биргаликда берилган тавсиясига эга бўлган ёш фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси берилиши тўғрисидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 21 декабрдаги ЎРҚ-506-сон “Қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддаси ҳамда 4-моддасида фойдаланилган. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодекси 55-моддасининг биринчи қисми ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги 604-I-сонли Қонунининг 8-моддасида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг 2019 йил 12 февралдаги 04/4-05-20 сон маълумотномаси*). Ёш фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш мақсадида ер участкаларининг берилиши ёшларнинг иш билан таъминланиши ва мулкий ҳуқуқларининг кафолатланишига хизмат қилади;

маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг бош режа лойиҳалари ишлаб чиқиши билан бир вақтда қишлоқ (овул) аҳоли пунктларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ёндош маҳаллаларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемасини ҳам ишлаб чиқишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 июлдаги 639-сон қарорининг 2-банди тўртинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 6 январдаги 12/21-01-сон маълумотномаси*). Ушбу таклифнинг амалда татбиқ этилиши қишлоқлар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга асос бўлади;

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини аукцион орқали доимий фойдаланишга беришда ҳамда

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан экологик экспертизадан ўтказиладиган объектларни қуришга ер участкасини танлаш материаллари бўйича хулоса бериш учун тўлов ундирилмаслигини белгилашга оид таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 декабрдаги 1023-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4 ва 9-бандларини тайёрлашда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 6 январдаги 12/21-01-сон маълумотномаси*). Бундай тўловнинг ундирилмаслиги қурилиш соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорларга муайян имтиёзлар белгилашга асос бўлади ва ушбу соҳада “яшил қурилиш”ни ривожлантиришга хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органларига ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари мақомини бериш ҳақидаги таклифидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сон “Аҳоли пунктларини қуришда шаҳарсозлик ва ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга, шунингдек тадбиркорлик мақсадлари учун ер ажратиш тартибини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 6 январдаги 12/21-01-сон маълумотномаси*). Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига бундай ваколатнинг берилиши ўзбошимчалик билан ер участкаларини эгаллаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та (12 та республика ва 2 та хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 265 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида илмий-тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети, методлари, тадқиқотнинг гипотезаси, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси), натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертация тадқиқотининг тузилиши ёритилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **“Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг умумий тавсифи ва юридик табиати”**га бағишланган бўлиб, унда аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг тушунчаси, моҳияти ва принциплари, аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг ривожланиш босқичлари, аҳоли пунктлари барқарор ривожланиши ва аҳоли пунктлари ерларининг ҳуқуқий мақоми мутаносиблиги муаммолари очиб берилган.

Бугунги кунга келиб атроф муҳитнинг ҳуқуқий муҳофазаси янгича мазмун ва аҳамият касб этиб бормоқда. Ўтган асрда экологик-ҳуқуқий муносабатлар асосан атроф муҳитни табиий ҳолатда сақлаш ва келажак авлодга етказиш мазмунига эга бўлган бўлса, бугунги кунга келиб экологик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий мақсадларидан бири – антропоген ўзгарган ҳудудларда, хусусан аҳоли пунктларида атроф муҳит сифатини таъминлаш, бундай ҳудудларда экологик меъёрларга қатъий амал қилиш ва шу йўл билан инсоннинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашдан иборатдир.

Антропоген ўзгарган ҳудудлардан бири бўлган “аҳоли пункти” тушунчасига юридик адабиётларда мутахассислар томондан турлича таърифлар берилган бўлиб, уларда асосан ижтимоий-иқтисодий омиллар инобатга олинган. Татқиқот давомида илмий-назарий тушунчалар ва амалдаги қонун ҳужжатларини ўрганиш натижасида “аҳоли пункти” тушунчасига қуйидаги таъриф ишлаб чиқилди: аҳоли пункти деганда, шаҳарсозлик ҳужжатларида белгиланган чегаралар доирасида жойлашган, маъмурий-ҳудудий бирлик мақомига эга бўлган, аҳоли муқим яшайдиган шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овуллар тушунилиши лозим.

Аҳоли пунктларининг тушунчаси ва хусусиятларини очиб беришда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини фарқлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Амалдаги қонунчиликда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини фарқлаш учун аниқ мезонлар мавжуд бўлмаса-да, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳуқуқий режими бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 12-моддасида аҳоли пунктлари шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларга бўлиниши белгиланган бўлиб,

бизнингча аҳоли пунктларини таснифлашда уларнинг ҳажми, аҳолининг ижтимоий ва демографик таркиби, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш табиати ва бошқа белгиларига кўра хилма-хиллиги, уларнинг экологик ҳолати эътиборга олинади.

Шаҳарлардаги зарарли экологик оқибатлар одатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашуви даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, аҳолининг юқори зичлиги табиий муҳитга тўғридан тўғри жиддий таъсир кўрсатади. Бироқ, унга энг катта салбий таъсир аҳоли томонидан эмас, балки саноат, энергетика, транспорт ва бошқа объектлар томонидан кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи кучларнинг энг катта зич жойлашуви ҳам айнан шаҳар аҳоли пунктлари учун хосдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2021 йил 24 август куни экологик ҳолатни яхшилаш, дарахтлар муҳофазасини самарали ташкил этиш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам сўнгги 4 йилда саноат корхоналари 2 бараварга ортиб, шаҳарларда чанг-газ миқдори меъёрдан 4 баравар ошганлиги, юртимиз ҳудудларида яшил майдонлар 3-4 бараварга қисқариб кетганлиги, кўп қаватли уйлар оралиғидаги бўш жойларда қурилишлар қилиш, мораторий эълон қилинганига қарамадан, дарахтларни кесиш, яшил ҳудудларни камайитириш ҳолатлари учраётганлиги қайд этилган.

Шу билан бирга шаҳарларда яшил ҳудуд ва жамоат парклари ташкил қилиш, истироҳат боғларининг 70 фоизини яшил ҳудуд қилиш ва уларда бино-иншоотлар қурмаслик, шаҳарларда экиладиган дарахт турларини қайта кўриб чиқиш, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида биттадан сайилгоҳ, кўп қаватли уйлар жойлашган маҳаллаларнинг ҳар бирида яшил ҳудудлар ташкил қилиш каби бир қатор топшириқлар берилди⁷.

Сўнгги йилларда, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқароларнинг қулай яшаш муҳитини таъминлашнинг муҳимлиги эътироф этилмоқда. Аммо, бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам экологик муаммоларни ҳал қилиш жамият ҳаётида мураккаб жараён сифатида намоён бўлмоқда. Бунда иқтисодий ва экологик манфаатлар ўз ижтимоий йўналишида яхлит эканлигига қарамай уларни уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш жараёни узоқ йиллар давом этмоқда, чунки улар инсон ҳаётининг сифатини таъминлашга қаратилган, бундай қарама-қаршилиқлар табиий муҳитга, ундан фойдаланиш натижасида унга доимий равишда таъсир ўтказилиши туфайли пайдо бўлади.

Ҳозирги шароитда мамлакатимиз экологик сиёсатида қулай атроф-муҳитни сақлашни таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш долзарб вазифа сифатида кўрилмоқда. Хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида ҳам шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган

⁷ Дарахтлар муҳофазаси кучайтирилади, экология полицияси ташкил этилади // <https://president.uz/uz/lists/view/4556>

бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш учун давлат анъанавий равишда муайян вазифаларни ўз олдига қўяди ва атроф муҳит муҳофазаси билан боғлиқ чора-тадбирларни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг муайян механизмларини (меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, табиатни муҳофаза қилувчи, ахборот-таҳлилий, мафкуравий) таъминлайди.

Шаҳардаги атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашда инсоннинг барча турдаги эҳтиёжларини қондириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган “табиат – инсон – шаҳар” тизими алоҳида ажралиб туради. Шаҳардаги табиий ва ижтимоий тизимнинг мувозанатини сақлаган ҳолда, инсон атроф-муҳитни қулай ҳолатда сақлайди ва шу билан ушбу муҳитда ўзининг ҳаёт сифатини таъминлайди. У табиатнинг ўзи учун ҳам, шаҳардаги инсон учун ҳам юқори сифат даражасига жавоб бериши керак. Бу борада барқарор ривожланишнинг муҳим шартларидан бири ҳам айнан шаҳар ривожланишининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларининг уйғунлигини таъминлашни назарда тутати. Ушбу тамойил шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосини ташкил этади.

Шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолари ҳамда ўсиб бораётган урбанизация масалалари БМТнинг уй-жой ва барқарор шаҳар ривожланиши бўйича Хабитат-III конференцияси (2016 йил 17–20 октябр, Киото, Эквадор) қатнашчилари томонидан кўриб чиқилган бўлиб, ушбу конференция доирасида барча учун экологик барқарор шаҳарлар ва аҳоли пунктларга бағишланган Киото декларацияси қабул қилинди. Мазкур шаҳарсозлик дастурида шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг очиклиги, хавфсизлиги, пухталиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш мақсадлари белгилаб қўйилди.

Шаҳарда экологик талабларни ҳисобга олмасдан туриб, одамларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш мумкин эмас. Шу билан бирга, шаҳардаги экологик тоза муҳит инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши учун имконият яратади. Инсон нафақат психологик жиҳатдан соғлом шаҳар муҳитига, балки экологик жиҳатдан зарарсиз муҳитга ҳам муҳтож, табиий муҳит ҳам инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароит яратиб, ўзига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади.

Шаҳарлар ҳудудларининг ривожланиши ва қуриш учун экологик жиҳатдан соғлом режалаштириш ҳам барқарор ривожланишнинг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Бу шаҳар ривожланишининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини бирлаштириш тамойили билан боғлиқ бўлиб, ушбу тамойил шаҳардаги атроф-муҳитнинг экологик таркибий қисмини табиий-ижтимоий тизим сифатида акс эттиради ва тийиб турувчи восита ҳисобланади. Мазкур тамойил инсон эҳтиёжларини табиат имкониятларига жавоб бермайдиган даражада оширишга имкон бермайдиган чора-тадбир бўлиб, шу билан бирга ҳудудий режалаштиришга комплекс ёндашувни акс эттиради.

Бунда “экологик асосланган фаолият” экологик жиҳатдан йўналтирилган, экологик нуқтаи назардан оқланган ёки экологик талабларга мос келадиган фаолиятни, шунингдек шаҳарлар ҳудудини ривожлантириш ва қуришни режалаштираётганда ёки ушбу фаолият натижасида табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ёки атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплашда муайян чора тадбирлар мажмуасини назарда тутади.

Бизнинг фикримизча, барқарор ривожланиш концепцияси доирасида шаҳарлар ҳудудини ривожлантиришни ва қуришни режалаштиришда қўлланилиши керак бўлган аниқ экологик ва ҳуқуқий чоралар комплекс тизимини яратиш лозим. Хусусан, шаҳарларни ривожлантириш ва қуришни режалаштиришда бир қатор омилларни ҳисобга олиш керак: атроф-муҳитнинг ҳолати (физикавий, кимёвий, биологик кўрсаткичлар бўйича ва табиий муҳит таркибий қисмлари бўйича атроф-муҳитга бўлган босим; атроф-муҳитда тўпланган зарар ва бошқа омиллар); шаҳар аҳолисининг саломатлик ҳолати (меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз; ёш гуруҳлари бўйича аҳоли) ва унинг (аҳоли) маълумот даражаси; шаҳарлар тури ва аҳоли сони; шаҳарнинг иқтисослашуви (иқтисодиёт, фан, техниканинг устувор тармоқлари ёки бу ўз ҳудудида ноёб тарихий, маданий ва ҳ.к. ёдгорликларга эгаллиги); табиий ва географик омиллар (атроф-муҳит ҳарорати, сув объектларининг мавжудлиги, қуёшли ёки ёмғирли кунлар сони, энг кўп учрайдиган табиий ҳодисалар, шу жумладан прогноз қилинадиган, ҳудуднинг сейсмик фаоллиги, сув тошқини зоналари ва бошқалар); шаҳарсозлик омиллари (мавжуд қурилишнинг табиати, шаҳарда устувор бўлган капитал қурилиш лойиҳаларининг хусусиятлари, жамоат жойлари, кўча ва йўл тармоқлари тизимини ривожлантириш ва бошқалар).

Ушбу ёндашув БМТнинг Шаҳарларни ривожлантиришнинг янги дастурини (Ҳабитат III) амалга ошириш режасига тўлиқ мос келади, давлатлар ушбу ёндашувга рақобатдош иқтисодиёт, ҳаётнинг юқори сифати ва барқарор атроф-муҳитга бўлган эҳтиёжлар мужассамлашган давлат сиёсатини ишлаб чиқишда риоя қилишлари керак.

Аҳоли пунктларининг муҳим турларидан бири бу қишлоқ (овул) аҳоли пунктларидир. Қонунчиликда белгиланган мезонларга жавоб берадиган аҳоли пунктлари қишлоқ аҳоли пунктлари деб тан олинади. Қишлоқ аҳоли пунктларининг асосий хусусияти қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришда меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми қатнашишидир. Қишлоқ аҳоли пунктларида ишлаб чиқариш тармоқлари тобора хавфли ифлослантирувчи манбаларга айланмоқда. Қишлоқ хўжалиги атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий омиллардан бири сифатида тан олинган. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ушбу ишлаб чиқариш соҳаси атроф-муҳитга таъсирини биринчи навбатда кимёвий воситалардан фойдаланиш ва йирик чорвачилик мажмуаларини қуриш ва сўнгги йилларда генетик модификацияланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига оширмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг етакчи омилларидан бири бу агрокимёлаштиришдир. Минерал ўғитлар,

пестицидлардан кенг фойдаланиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келади. Шу сабабли, иқтисодиёт ривожланишининг оқибатларидан бири ҳаво, сув, тупроқни ифлослантирувчи заҳарли чиқиндиларнинг улкан миқёсда ишлаб чиқарилиши ҳисобланади. Атроф-муҳитнинг кимёвий ифлосланиши, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктлари ифлосланиши муаммоси глобал аҳамиятга эга.

Ушбу ҳолат қишлоқ аҳоли пунктларида заҳарли чиқиндиларга бўлган муносабатни тартибга солиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Тарихан, заҳарли моддаларни экологик жиҳатдан оқилона бошқаришни ҳуқуқий тартибга солиш, сув, тупроқ ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида саноат қонунчилиги доирасида ишлаб чиқилган. Атроф-муҳитни заҳарли моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсирланиш жараёнида заҳарли моддаларга экологик жиҳатдан оқилона муносабатда бўлиш талабини белгилайди.

Диссертация ишида аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик унинг шаклланиш тарихидан келиб чиққан ҳолда 3 босқичга бўлиб ўрганилган.

Биринчи босқич – аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида экологик қонунчиликнинг шаклланиши босқичи (1991–2002). Мазкур босқичда экология соҳасидаги асосий қонун ҳужжатлар қабул қилинди. Шу жумладан, табиатни муҳофаза қилиш, экологик экспертиза, атроф табиий муҳит мониторинги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш, ўрмонлардан, сувдан, ердан ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, чиқиндиларни тартибга солишга оид базавий қонунлар қабул қилинди. Мазкур босқичда, яъни 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 7-бобида аҳоли пунктлари (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари) ерларининг ҳуқуқий ҳолати батафсил белгилаб берилган. Хусусан, мазкур ҳужжатда шаҳарлар ва посёлкалар ерларининг таркиби, аҳоли пунктларининг чегараси, шаҳар атрофи зоналари, шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкаларини бериш, олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш тартиби, шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари, қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари ва бошқа бир қатор масалалар тартибга солинган. Бугунги кунда ер муносабатлари тубдан такомиллашиб бораётганлиги, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни хусусийлаштириш, ер ажратиш, қурилиш фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги кўплаб ислохотларни иноватга олган ҳолда янги, тўғридан тўғри амал қилувчи Ер кодексини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. *Иккинчи босқич* – аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида экологик қонунчиликнинг такомиллашуви босқичи (2003–2016). Бу босқичда ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда экология соҳасида қонун ижодкорлиги жараёни сифати яхшиланиб, мазмунан изчил такомиллашди.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро нормаларга мос ҳуқуқий база яратилди, атроф-муҳит муҳофазаси Конституциямизнинг тегишли моддаларида ҳамда экологик масалаларга оид ўттизга яқин қонун ва кўплаб қонуности ҳужжатларида белгиланди, давлат дастурлари ва миллий ҳаракат режалари тизимли равишда рўёбга чиқарилмоқда, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоатчиликнинг роли сезиларли даражада кенгайтирилди. *Учинчи босқич* – аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида экологик қонунчиликнинг изчил демократлашуви ва модернизациялашуви босқичи (2017–2021).

Диссертация ишининг “Аҳоли пунктлари барқарор ривожланиши ва аҳоли пунктлари ерларининг ҳуқуқий мақоми мутаносиблиги муаммолари” деб номланган навбатдаги параграфида аҳоли пунктларининг барқарор ривожланишини таъминлашда ушбу тоифа ерлардан тўғри фойдаланишнинг аҳамияти илмий-ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилган. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган таърифга кўра, аҳоли пункти ерлари деганда, давлат ер фондининг бошқа тоифаларидан ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқий ҳолати, фойдаланишнинг асосий мақсадига кўра ажралиб турадиган, ер, шаҳарсозлик ва ер тузиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида шу мақсадлар учун белгилаб кўйилган ерлар тушунилади.

Аҳоли пункти ерлари, энг аввало, аҳоли муқим яшаш жойи бўлиб ҳисобланади. Ушбу тоифадаги ерлар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар фуқароларнинг ердан фойдаланишдаги табиий ҳуқуқини таъминлаш (ерда яшаш, жойлашиш ва шу мақсадда уй-жой қуриш) ҳамда мулкчиликнинг турли шаклларида бўлган юридик шахсларни ҳудудий асос бўлган ерда жойлаштириш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқади. Аҳоли пункти ерлари ер фондининг муайян тоифаси бўлиш билан бирга давлат белгилаган чегарага эга бўлган маъмурий-ҳудудий бирлик ҳамдир.

Шунингдек, аҳоли пункти ерларига нисбатан хусусийлаштиришни қўлласа бўлади. Бундай ерларни хусусийлаштиришда аҳоли пунктларини ҳудудий режалаштириш ва шаҳарсозлик зоналаштирилиши ҳужжатларидаги талабларни ҳисобга олиш мажбурийдир. Ўзбекистон Республикасида ер фонди асосан давлат мулкчилигида сақланиб қолмоқда, шунга қарамай ер участкалари хусусийлаштирилиши муносабати билан улар фуқаролик муомаласига кўпроқ тортилмоқда. Амалдаги қонунчиликка кўра, ер участкалари унда жойлашган бино-иншоотлар билан боғлиқ равишда хусусийлаштирилади. Ерга нисбатан фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари асосан аҳоли яшаш ерлари – шаҳар ерлари негизида ривожланмоқда. Шунга қарамай давлатнинг ер назорати ўзгаришсиз қолмоқда. Бугунги кунда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер билан боғлиқ мулкӣ ҳуқуқларини таъминлаш усуллари ҳам такомиллаштиб бормоқда.

Аҳоли пункти ерлари билан боғлиқ яна бир долзарб муаммо – бу боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари фаолияти билан боғлиқ. Хусусан, мазкур ширкатлардаги ер участкаларида хўжалик ва бошқа иморатлар қурилиб, уларда аҳолини доимий равишда истиқомат қилиб келиш ҳолатлари мавжуд бўлса-да, мазкур иморатларнинг аксарияти давлат рўйхатидан ўтказилмай қолмоқда. Шунингдек, аҳоли пунктларидаги томорқа ерларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан турли “иқтисодий кўмак” чоралари қўлланилмоқда.

Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳам бир хил бўлмайди. Шаҳар ва посёлка ерлари ҳуқуқий ҳолатида бир қатор умумийлик бўлиши мумкин. Масалан, бундай умумийлик шаҳар ва посёлка ерларининг таркиби бир хиллигида кузатилади. Давлатнинг шаҳар ва посёлка аҳоли пунктлари лойиҳаларини тузиш, ушбу ерларни бошқариш, ажратиб бериш, олиб қўйиш каби фаолияти посёлка ерларига нисбатан шаҳар ерларидаги каби тадбиқ этилади. Қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари аксинча ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан яқиндан боғланган бўлади.

Диссертация ишининг иккинчи боби **“Урбанизация жараёнлари фаоллашуви шароитида аҳоли пунктларида қурилиш фаолиятини экологик-ҳуқуқий тартибга солиш”** деб номланиб, унда аҳоли пунктларида қурилиш фаолиятини амалга оширишни экологик-ҳуқуқий таъминлаш, аҳоли пунктларида қурилиш фаолиятини экологизациялаш истиқболлари, аҳоли пункти ҳудудларини зоналаштиришнинг экологик-ҳуқуқий талаблари татқиқ этилган.

Аҳоли пунктларида атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи энг йирик фаолият қурилиш билан чамбарчас боғлиқ. Қурилиш фаолиятининг алоҳида табиат объектларига нисбатан таъсири табиатнинг умумий қонунлари таъсирида амалда яхлит бўлишига қарамай, дифференциялашган ҳолда амалга оширилади. Бинолар қурилиши атроф-муҳитнинг табиий мавжуд ҳолатини бузади, бунда қурилиш ишлари табиий объектнинг сифат хусусиятларининг ўзгаришига олиб келади. Масалан, аксарият ҳолларда қурилиш ишлари ер участкаси тупроқ унумдор қатламнинг бузилишига олиб келади. Қурилиш фаолиятининг атмосфера ҳавоси, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси каби табиатнинг таркибий қисмларига таъсири билвосита бўлиб, одатда махсус рухсатни талаб қилмайди.

Атроф-муҳитнинг ҳолати кўп жиҳатдан қурилиш соҳасининг экологизациялашуви билан узвий боғлиқ. Қурилиш соҳасини экологизациялаш табиатдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтиришга, қурилиш учун табиий объектларни ва бино ёки иншоотнинг бутун ҳаёт цикли давомида қулай атроф-муҳит ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, технологик, техникавий ва бошқа тадбирлар тизимини қабул қилишни кўзда тутади.

Амалдаги қонунчиликда уй-жой қурилиши объектлари лойиҳа-тадқиқот ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш босқичида энергия-самарадор ва энергия-тежамкор ускуналар билан мажбурий равишда жиҳозланиши, шунингдек, улар фойдаланишга қабул қилинишидан аввал энергетик аудит паспортини олиши кераклиги белгиланди. Шунингдек, 2021–2025 йилларда миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини халқаро норматив ва стандартлар билан уйғунлаштириш назарда тутилган. Қурилиш фаолиятининг экологик-ҳуқуқий механизмдан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий тартибга солиш узоқ вақтдан бери қўлланилади. Ҳозирги вақтда қурилиш соҳасини экологизациялаш ҳам мамлакат иқтисодиётини модернизация қилишнинг муҳим йўналиши ҳисобланмоқда. Хусусан, технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш 2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясида асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

“Яшил” қурилиш – бу бино ва иншоотларни қуришда экологик тоза материаллардан фойдаланишни, бинолар, иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш ва уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини энг кам даражада бўлишини кўзда тутувчи интеграциялашган тушунча. “Яшил” қурилиш талабларининг жорий этилиши қурилиш соҳасининг экологизациялашувини таъминлайди ҳамда табиатга зарарли таъсирни камайтириш, табиий манбаларни (шу жумладан энергетик) истеъмол қилиш даражасини пасайтириш ва улардан оқилона фойдаланишни амалга оширишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

“Яшил” стандартлар бинолар, иншоотларнинг жойлашувидан қатъи назар, атроф-муҳитга зарарли таъсирни баҳолаш учун бир хил мезонларни қўллаш имконини беради. “Яшил” сертификатлаш тизими истеъмолчиларга биноларни атроф-муҳит табиатига таъсири даражаси бўйича таққослаш имконини беради. Ташкилотлар томонидан қабул қилинган “яшил” (экологик) стандартлар мамлакатда “яшил” қурилишни таъминлайдиган қоидаларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда “яшил” қурилишнинг ривожланиши ушбу концепцияни оммалаштириш ва фуқароларнинг экологик маданияти ва экологик фаоллигининг умумий даражасини ошириш орқали ҳам таъминланади.

Қурилиш фаолиятини амалга ошишда экологик зоналаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида шаҳарсозлик зоналаштирилиши қўлланилади. Зоналаштириш ҳудудни ривожлантиришнинг шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштирилишида шаҳарсозликнинг фойдаланиш турларини ҳамда бу турлардан фойдаланишдаги чеклашларни белгилаб олган ҳолда унинг функционал мақсадга кўра бўлиниши ҳисобланади. Ҳудудларни зоналаштириш комплекс ҳуқуқий институт, ерларнинг ҳуқуқий режимини аниқлаш усули ҳамда ҳуқуқий таомил сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Худудларнинг зоналаштирилиши ҳамда худудий зоналарнинг шаҳарсозлик регламентлари тўғрисидаги маълумотлар давлат шаҳарсозлик кадастрида қамраб олинади ҳамда Ўзбекистон Республикасида аҳолини жойлаштиришнинг бош тарҳи, шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳларида, худудларни режалаштириш тарҳларида, тармоқ тарҳларда, туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларида, аҳоли пунктининг бош режасида ҳамда аҳоли пункти худудини ривожлантириш тармоқ тарҳларида, шунингдек батафсил режалаштириш лойиҳаларида белгиланади.

Худудий зоналаштириш – бу аҳоли пунктининг худудини зоналарга бўлиш ва уларнинг ҳуқуқий режимини шаҳарсозлик ҳужжатлари ва қурилиш қоидаларида белгилаш, шаҳарсозлик соҳасидаги тегишли органларнинг ер участкаларидан фойдаланишни, уларда бино ва иншоотларни ягона комплекс сифатида ташкил этиш ва улардан фойдаланишни келишилган ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган фаолиятдир.

Зоналаштириш муайян зоналар худудларидан шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда чеклашлар белгиланишини назарда тутади. Аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш жараёнида уларнинг экологик хавфсизлигини таъминлайдиган шаҳарсозликнинг асосий чора-тадбирлари аҳоли пунктлари худудларини функционал зоналаштириш ҳисобланади. Шаҳарсозлик зоналаштириш улардан фойдаланиш турларини белгилайди ва муайян чекловлар ўрнатади, шунингдек аҳоли пунктларини ривожлантириш учун шаҳарсозлик режалаштириш даврида худудларни зоналарга ажратишни назарда тутади.

Диссертация ишининг учинчи боби “Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий таъминлаш” деб номланиб, унда аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш, аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлари, аҳоли пунктларида атроф табиий муҳит соҳасида давлат бошқаруви – экологик барқарорлик омили сифатида ёритилган.

Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг лицензиялаш асосида вужудга келиши кенг тарқалган. Хўжалик ёки табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа фаолият тури билан шуғулланиш қоидага кўра махсус лицензиялар асосида амалга оширилади. Махсус лицензиянинг мавжуд бўлишини талаб қиладиган фаолият турлари ва бундай фаолият тури учун бериладиган махсус лицензияларнинг шакли қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Одатда бундай фаолият турлари табиий ресурслардан махсус фойдаланишнинг барча кўринишларини қамраб олади, жумладан, ер ости бойликларидан фойдаланиш, ўрмонларни кесиш, ишлаб чиқариш (саноат) мақсадларида сувдан фойдаланиш, атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, чиқиндиларни ташлаш ва ҳоказолар.

Бундай экологик лицензиялаш ҳуқуқий институти Ўзбекистон Республикасида борган сари кенг тарқалмоқда.

Экологик қонунчиликка мувофиқ, лицензия билан бир қаторда рухсатнома (масалан, чиқиндиларни сақлашга ёки чиқиндиларни ташлашга), ўрмон билети каби тушунчалар ҳам қўлланилади. Бизнингча, қонун ҳужжатларида “рухсатнома” тушунчасига бундай турлича ёндашувларнинг ўрнига алоҳида изоҳланган тушунчани киритиш мақсадга мувофиқдир. Рухсатнома тушунчасини атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш борасидаги қонун ҳужжатларида “қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан юридик ёки жисмоний шахсга белгиланган муайян шартлар доирасида табиий ресурслардан фойдаланиш борасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳужжат” сифатида мустаҳкамлаб қўйиш ушбу тушунчанинг турлича талқин қилинмаслигига замин яратади. Шунингдек, “рухсатнома” тушунчасига бундай изоҳнинг киритилиши “рухсатнома” тушунчасини “лицензия” тушунчасидан фарқлашга имкон беради. Бу борада биз “лицензия” ва “рухсатнома” аналогик тушунчалар, бироқ “лицензия” ва “рухсатнома” тушунчаларида баъзи фарқлар мавжуд деган фикр тарафдоримиз.

Аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш экологик хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишларидан биридир. Аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг объекти бўлиб, табиий, табиий-антропоген ҳамда антропоген элементларни ўз ичига олган аҳоли пунктлари атроф-муҳити ҳисобланади. Бунда нафақат аҳоли пунктлари ҳудудидаги атроф-муҳит таркибий қисмларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, балки аҳоли яшаш муҳитининг сифатини таъминлашга ҳам эътибор қаратилади.

2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар тасдиқланган. Унда белгиланган 11-мақсад “Шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг очиклиги, хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш”да назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳар бир ҳудуд учун алоҳида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича стратегия (“йўл харитаси”) ишлаб чиқилиши лозим.

Бунда аҳоли пунктларини барқарор ривожлантиришда ҳудудий инфратузилмани локал экологик тизимни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш, маҳаллий шароитларга мослашган илғор, тежамкор ва экологик хавфсиз, атроф муҳит муҳофазасини таъминловчи технологияларни қўллаган ҳолда тармоқ ва фаолият турларини ривожлантириш, қишлоқ аҳоли

пунктларида аҳоли яшаши учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Шаҳар ва қишлоқларда аҳоли учун “қулай яшаш муҳити”ни таъминлашда яшил ҳудудларнинг миқдор мезонларини аниқ белгилаб бериш зарур. Аҳоли пунктларининг яшил фондини муҳофаза қилиш экологик вазиятни барқарорлаштириш ва қулай муҳит яратиш учун зарур бўлган яшил фондни сақлаш ва ривожлантиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тизимини назарда тутати. Кўкаламзорлаштириш деганда, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар ва фуқароларнинг шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари доирасида табиий ва сунъий келиб чиққан дарахт-бута ва ўтсимон ўсимликларини ўстириш (тиклаш) бўйича фаолияти тушунилиши керак.

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари атроф-муҳитини муҳофаза қилишда ҳудудни ободонлаштириш бинолар ва иншоотлар, йўллар, ўтиш жойлари, майдонлар, йўлакчалар, муҳандислик тармоқлари, кўприклар, йўл ўтказгичлар, тўғонлар, қирғоқлар, пляжлар, гидротехника иншоотлари, ёдгорликлар, транспорт йўналишидаги мосламалар ва иншоотлар, ёритгичлар каби объектларнинг ташқи кўриниши ва сифатини яхшилашни, ҳудудни кўкаламзорлаштиришни, шунингдек санитар тозалаш ва саранжомлашни назарда тутати.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш талабларига риоя қилиш, ҳудудларнинг хавфсизлигини ва аҳоли пунктларини қуриш ва ривожлантириш учун шаҳарсозлик ва лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқишда табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилишни таъминлаш меъёрларини ўз ичига олади. Шу сабабли, қонунчиликда аҳоли пунктлари таркибидаги экологик фалокат зоналарининг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига яна бир ер фонди тоифасини – “экологик фалокат зоналари ерлари”ни киритишни таклиф қиламиз.

Аҳоли пунктларида атроф-муҳит санитария-эпидемиологик муҳофазасининг асосий мақсади – аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, яъни жамоат соғлиғи ва инсонлар ҳаёт муҳитининг хавfli ва зарарли омиллардан холи бўлишини таъминлашдан иборатдир. Санитария муҳофазаси зоналарини (ҳудудни кўкаламзорлаштириш, турар-жой биноларини бузиш) яратиш корхона ва иншоотларнинг лойиҳаларида, объектни қуриш ва реконструкция қилиш харажатлари қийматига қўшишни ҳисобга олган ҳолда қўзда тутилиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритувчи давлат бошқаруви органларини ҳам умумий ва махсус ваколатли давлат органларига бўлиш мумкин. Умумий ваколатли давлат бошқаруви органларига Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари киритилади. Ушбу органларнинг соҳага оид ваколатлари эса, улар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари билан бир қаторда экология соҳасига оид қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланади.

Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатга эга бўлган асосий давлат бошқаруви органлари сирасига Ўзбекистон Республикасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, аҳоли пунктларидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартибини белгилаш ва уларнинг муҳофазасини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, аҳоли пунктлари атроф муҳит ифлосланиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жавобгарликни қўллаш масалаларида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, аҳолини фавқулодда техноген вазиятлардан муҳофаза қилишда (экологик хавфсизлигини таъминлашда) Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги муайян ваколатларни амалга оширади.

Таъкидлаш жоизки, махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари экология соҳасидаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда Низомларида кўрсатилган шаклларда ўз фаолиятини ташкил этади. Ушбу бошқарувнинг шакллари бўлиб, ҳуқуқ ижод қилиш, ҳуқуқни ижро этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти тушунилади. Аҳоли пунктларида атроф муҳитни муҳофаза қилишда давлат бошқарув органлари рухсат бериш, ман қилиш, розилик бериш, мажбурий кўрсатмалар бериш усулларидадан фойдаланади.

Диссертация ишининг тўртинчи боби “Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид хорижий тажриба ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари” деб номланиб, ушбу бобда айрим хорижий давлатларнинг аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга доир қонунчилиги таҳлили, аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари ўрганилган.

Ушбу бобда аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир масалалар ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўрганилди. Бунда айниқса Франция, Германия, Италия, АҚШ, Хитой давлатларининг ижобий тажрибаси таҳлил қилинди ва ушбу соҳада мамлакатимиз аҳоли пунктларида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек,

Хитой, Жанубий Корея, Дания ва Швеция давлатларининг “экологик шаҳарлар” барпо этиш борасидаги тажрибаси ўрганилди.

Шунингдек, ушбу бобда фуқароларнинг аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари иштироки татқиқ этилиб, унда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг бош қурилиш режаларини тасдиқлашда жамоатчиликнинг иштирокини кенгайтириш фуқароларнинг мулкӣ ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим восита сифатида кўрилди. Ўзбекистон Республикасида узоқ йиллик тарихий анъаналарга асосланувчи фуқаролик жамияти институти – “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” шаҳар ҳудудидаги экологик мониторингни амалга оширишда қатнашиш, шаҳарларда ахборот сиёсатини амалга ошириш, жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик, давлат ҳокимияти органлари билан фаол шериклик ва ҳамкорлик, атроф-муҳит муаммоларини шаҳарсозлик воситалари билан ҳал қилиш йўллари билан шаҳарларни ривожлантиришга қаратилган бошқарув фаолиятида иштирок этиши мумкин.

Сўнгги йилларда қонун ҳужжатларида жамоатчилик иштирокига оид эришилган аниқ ютуқлардан бири бу жамоатчилик назорати институтининг такомиллашуви, жамоат экологик назорати инспекторлари мақомининг мустаҳкамланганлиги билан боғлиқ. Бироқ, аҳолининг ҳуқуқӣ имкониятларидан хабардорлиги даражаси пастлиги ушбу нормаларнинг самарадорлигини сезиларли даражада пасайтиради. Шу муносабат билан, биз Атроф-муҳитга оид масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда маълумотлар олиш тўғрисидаги ва одил судловда қатнашишда жамоатчиликнинг иштироки тўғрисида (Орхусс конвенцияси, 1998 йил) Конвенцияни ратификация қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, соҳадаги муаммоларни ҳал қилишда аҳоли ўртасида экологик таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Янги таҳрирда қабул қилинган Шаҳарсозлик кодексининг муҳим ютуқларидан бири, унинг 6-бобида шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнининг батафсил тартибга солинганлигидадир. Бунда аҳоли пунктларининг бош режаларини тасдиқлашда жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш муҳим босқич ҳисобланади. Албатта, мазкур ҳуқуқӣ механизмнинг белгиланиши ушбу соҳада фуқаролар иштирокини ҳуқуқӣ жиҳатдан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли бундай муҳокамаларни ўтказишнинг мажбурийлиги, ҳудудийлик (ҳар бир аҳоли пунктида), иштирок этиш учун тенг имкониятлар, ахборот мавжудлиги, очиқлик – жамоатчилик муҳокамаларни ўтказишнинг асосий тамойиллари бўлиб ҳисобланади. Фикримизча, ушбу тамойилларга асосланиб, халқ депутатлари Кенгашлари тегишли ҳудуд учун жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилашлари, жамоатчилик муҳокамаси натижаларининг

инобатга олиниши учун амалдаги қонунчиликда ушбу муҳокамалар натижалари мутасадди раҳбарлар томонидан кўриб чиқилиши шартлигини белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Диисертация ишининг 4-боби сўнгги параграфидида аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари ўрганилди. Муаллиф шаҳарлардаги экологик сиёсат қўйидаги асосий принципларга кўра амалга оширилишини илмий жиҳатдан асослади: шаҳар экологиясига салбий таъсирларнинг олдини олиш механизмларини ривожлантириш, шаҳарсозлик, иқтисодий ва хўжалик қарорларини қабул қилишда экологик масалаларнинг устуворлигини таъминлаш, шаҳар аҳолиси қонуний экологик манфаатларининг тадбиркорлик манфаатларидан устунлиги, етказилган зарарни қоплаш (ифлослантирувчи тўлайди), шаҳар маъмуриятининг шаҳар аҳолиси билан шаҳарнинг экологик муаммоларини ҳал этишда ўзаро ҳамкорлиги.

Аҳоли пунктларидаги юзага келган ноқулай экологик вазият мамлакат экологик муаммоларининг катта қисмини ташкил қилади. Ушбу ҳолат мамлакатимиз аҳолисининг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини, меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш учун ушбу соҳада ҳуқуқий муҳофазани яхшилашнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш зарур. Бунда биринчи навбатда, жисмоний ва юридик шахсларнинг шаҳар аҳолиси экологик хавфсизлигини ва шаҳарларда қулай атроф-муҳитни таъминлаш соҳасидаги ҳаракатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва қўллаш зарур. Шаҳарлардаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида “Шаҳар аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида” алоҳида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, жамоат ташкилотлари экологик фаолиятининг аҳамиятини ошириш учун “Шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги низомни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Унда ушбу тузилмаларни шакллантириш тартиби, уларнинг ҳуқуқлари, шунингдек, давлат органлари билан ўзаро муносабатлари белгиланади.

Аҳоли пунктларини экологик жиҳатдан хавфсиз ривожлантириш билан боғлиқ яна бир масала бу тошқинлар, сел оқимлари, кўчки хавфи мавжуд тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг гидрометеорологик ва геологик хавфли ҳудудларида истиқомат қилаётган фуқароларни хавфсиз ҳудудларга кўчириш юзасидан таъсирчан назорат, тўлиқ ва самарали механизм белгиланмаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тоғ ва тоғолди ҳудудларда аҳоли пунктларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида алоҳида Ҳукумат қарори қабул қилиниши, унда ушбу соҳадаги камчиликларни бартараф этишнинг аниқ муддатларини белгилаган ҳолда “йўл харитаси”

тасдиқланишини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизматининг тегишли хулосаларисиз ер ажратганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Соҳага оид юридик адабиётлар, аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тартибига оид ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистик маълумотлар ҳамда хорижий давлатлар қонун ҳужжатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тартибига оид қуйидаги илмий-назарий қоидалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилишига асос бўлди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1.1. “Аҳоли пунктини барқарор ривожлантириш” тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: аҳоли пунктини барқарор ривожлантириш – мувозанатли, доимий қўллаб-қувватладиган, ўзини ўзи таъминлайдиган, мақбул, шунингдек, келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларини хавф остига қўймаган ҳолда ҳозирги пайтдаги эҳтиёжларни қондирадиган ривожланишдир. Аҳоли пунктининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан аҳоли пунктида экологик асосланган фаолият олиб борилишига боғлиқ. Аҳоли пунктидаги экологик асосланган фаолият деганда, ҳудудни режалаштириш ва лойиҳалаштиришда экологик меъёрларнинг устувор аҳамият касб этиши, аҳоли пунктларидаги атроф муҳит сифатини сақлашга йўналтирилган, ҳудуддаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган, экологик нуқтаи назардан оқланган ёки экологик талабларга мос келадиган фаолият тушунилади.

1.2. “Аҳоли пунктлари ерларининг ҳуқуқий ҳолати” тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: аҳоли пунктлари ерларининг ҳуқуқий ҳолати деганда, аҳоли пунктлари чегаралари доирасидаги ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартибини белгилаш, экология ҳуқуқи субъектларининг ерларга бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлаш, шаҳарсозлик зоналаштириш ва ҳудудий режалаштиришни амалга ошириш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва қурилиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, табиий ресурслардан рухсат этилган йўналишларда мақсадли фойдаланишни белгилаш, қурилишни тартибга солиш, аҳоли пунктларининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан бошқа ҳуқуқий чоралар кўриш бўйича қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳуқуқий воситалар мажмуи тушунилади.

1.3. Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг мақсади – атроф муҳитга ортиқча зарар меъёрини юкламайдиган ва шунинг учун атроф муҳит ва одамлар саломатлигига таъсири атроф муҳит тўғрисидаги

қонун ҳужжатларида белгиланган зарарли таъсирнинг меъёрларидан ошмайдиган, хўжалик, ижтимоий-ишбилармонлик ва бошқа объектларни экологик жиҳатдан мақбул қилиб жойлаштиришдир. Аҳоли пунктларида қурилиш фаолиятини амалга ошириш табиий объектларга жадал таъсир кўрсатиш усули билан ажралиб туради, уни амалга оширишда атроф муҳитни ва унинг таркибий қисмларини муҳофаза қилиш зарур. Қурилиш ишларини амалга ошириш ҳар доим ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлишига қарамай, қурилиш ишларини амалга ошириш ҳуқуқи табиий ресурслардан – ердан, сувдан, ўрмондан ва ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқининг элементи бўлиб ҳисобланади.

1.4. “Яшил” қурилиш – бу қурилиш жараёнида экологик стандартлар асосида ишлаб чиқилган, экологик сертификатланган маҳсулотлардан фойдаланиш, энергия тежамкор бино-иншоотлар ва уй-жойларни барпо этиш, экологик жиҳатдан самарали инновацион технологияларни жорий этиш, қурилган бино-иншоотларнинг эксплуатация жараёнида атроф муҳитга салбий таъсири энг кам даражада бўлишини таъминлашдир. “Яшил” қурилиш талабларининг жорий этилиши қурилиш соҳасининг экологизациялашувини таъминлайди ҳамда табиатга зарарли таъсирни камайтириш, табиий манбаларни (шу жумладан энергетик) истеъмол қилиш даражасини пасайтириш ва улардан оқилона фойдаланишни амалга оширишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

1.5. Аҳоли пунктларида қурилиш ишларини амалга оширишнинг уйғунлигини таъминлашда уларни зоналаштириш муҳим рол ўйнайди. Зоналаштиришни уч турга бўлиш мумкин: 1) “руҳсат этувчи-чекловчи” зоналаштириш; 2) экологик зоналаштириш; 3) “ташкилий-бошқарув” зоналаштириш. Экологик зоналаштириш давлат томонидан табиий муҳитнинг барча таркибий қисмларини ҳимоя қилиш ва муҳофаза қилишни, шунингдек, фуқароларнинг экологик хавфсиз яшашга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишни, уларнинг соғлиғи ва фаровонлигига зарар етказишга йўл қўймасликни таъминлашга қаратилган маъмурий, иқтисодий, ҳуқуқий ва экологик хусусиятдаги белгиланган чора-тадбирлар мажмуига асосланади. Экологик зоналаштириш ўз навбатида икки турга бўлиш мумкин: 1) табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилишни таъминлайдиган зоналар; 2) экологик жиҳатдан ноҳуш ҳудудларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган зоналар.

1.6. Аҳоли пунктларида саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш жараёнида атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг умумий, қўшимча ва махсус талаблари белгиланади. *Умумий талаблар* атроф муҳит сифати меъёрлари, санитария қоидалари, техник регламентларга риоя қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳудудни ободонлаштириш, объектни фойдаланишдан чиқаришда табиий муҳитни тиклаш бўйича зарур чора-тадбирларни қамраб олади ва умумий-мажбурий аҳамият касб этади.

Қўшимча талаблар табиий объектларнинг айрим турларини муҳофаза қилиш зарурати билан белгиланади. Хусусан, сув тўғрисидаги қонунчиликда хўжалик ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга топшириш, шунингдек янги технологик жараёнларни жорий этишда уларнинг сув объектлари ва атроф муҳит ҳолатига таъсирини ҳисобга олиш зарурлиги талаби белгиланади.

Махсус талаблар саноат корхоналари ва хўжалик фаолиятининг айрим турларига нисбатан қўлланилади. Жумладан, хавфли ишлаб чиқариш объекти ҳисобланган кимёвий моддалар билан ишловчи хўжалик фаолияти субъектларига қўшимча экологик талаблар, мажбуриятлар белгиланади. Улар сирасига лицензиялаш, тегишли хавфларнинг мажбурий экологик суғуртаси кабилар қиради.

1.7. Аҳоли пунктларининг атроф муҳити – бу сифат жиҳатидан янги табиий-ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг барқарорлигини таъминлаш экологик меъёрлар ёрдамида шаҳарлардаги қурилиш, саноат, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг бошқа соҳаларини бошқаришни назарда тутати. Аҳоли пунктларининг атроф муҳити табиий-антропоген тизим сифатида баҳоланади, унинг барқарор ривожланиши табиатнинг табиий қонунлари билан бир қаторда, аҳоли пунктларида экологик мувозанатни сақлаш учун инсоннинг мақсадли фаолияти билан ҳам таъминланади. Ушбу мақсадли фаолият қурилиш соҳасини экологизациялаштириш жараёни ва экологик, шаҳарсозлик, санитария нормалари ва талаблари билан узвий боғлиқликда амал қилади.

1.8. Шаҳардаги юқори сифатли атроф муҳитни таъминлаш масаласида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этишининг зарур шакллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: маҳаллий ҳокимият органлари билан аҳоли ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатишда асосий “боғловчи бўғин”, шаҳар атроф муҳит ҳолатига оид ахборот сиёсатини амалга ошириш, экологик мониторингни амалга оширишда иштирок этиш, жамоат экологик назорати ва жамоат экологик экспертизасини ўтказиш, атроф муҳит муаммоларини шаҳарсозлик воситалари билан ҳал қилиш.

II. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

2.1. Аҳоли пунктларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш чоратадбирлари тизимини аниқ белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Экология кодекси лойиҳасининг “Хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида экологик талаблар” деб номланувчи 8-бобида аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуришда экологик талаблар; атом электростанцияларини жойлаштиришга қўйиладиган экологик талаблар; хўжалик ва бошқа фаолият турларига оид объектларни лойиҳалаштиришга қўйиладиган экологик талаблар; шовқин, вибрация, электромагнит майдонлари ва бошқа физик таъсирлардан атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид талаблар алоҳида моддаларда кўрсатилиши зарур.

2.2. Ҳозирги вақтда ер муносабатлари тубдан такомиллашиб бораётганлиги, ер участкалари амалда мулк ҳуқуқи, ижара ҳуқуқи ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида реализация қилинаётганлиги, ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунининг янги аҳамият касб этаётганлиги, ер ажратиш ва уни реализация қилиш жараёнида рақамлаштиришнинг қўлланилиши, шунингдек, қурилиш фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги кўплаб ислохотларни инобатга олган ҳолда янги, тўғридан тўғри амал қилувчи Ер кодексини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2.3. Иқлим ўзгаришлари оқибатида содир бўлаётган шамол, сел тошқинлари, ҳароратнинг ҳаддан ташқари ошиши, аҳоли ўртасида турли касалликлар кўпайиши экологик хавфсизликни таъминлаш йўналишида янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикасида экологик суғурталаш тўғрисидаги яхлит қонун ҳужжатининг йўқлиги ушбу соҳани такомиллаштириб давлат томонидан аҳолини қўллаб-қувватлаш, техноген ҳолат оқибатида аҳолига етказилган экологик зарарни қоплаш яъни суғурталаш жараёнини мамлакатимизда кенгроқ қўллаш ва амалиётга татбиқ этишда муайян тўсиқларни вужудга келтирмоқда. Шу сабабли ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Экологик суғурта тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш таклиф этилади.

2.4. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларда уларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари назарда тутилмаган. Шуларни инобатга олиб, фикримизча, мазкур концепция ҳамда Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳар бир ҳудуд учун алоҳида Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Стратегия (“йўл харитаси”) ишлаб чиқилиши лозим.

2.5. Бюджет маблағлари ҳисобидан қурилиш жараёнида “яшил” стандартларни оммалаштириш мақсадида экологик сертификатларга эга бўлган қурилиш маҳсулотларига давлат ва жамоат эҳтиёжларини қондириш учун товарлар, ишлар, хизматларни сотиб олиш бўйича тендер ҳужжатлари талабларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, қурилиш учун ер участкасини аукцион (тендер) асосида ажратишда қурилишни “яшил” стандартларга биноан амалга оширишни таклиф этаётган талабгорга устунлик бериш тўғрисидаги қонидани ҳам қонунчиликда қайд этиш мақсадга мувофиқ.

2.6. Ўзбекистон Республикасида чиқиндилар билан боғлиқ соҳадаги камчиликларни бартараф этиш ва мазкур йўналишдаги муносабатларни тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида чиқиндиларни, хусусан майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳужжатда чиқиндиларни дастлабки саралаш, тўплаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, фойдали компонентларга эга майший ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш ва улардан такрор фойдаланиш тизимини самарали ташкил этиш, чиқиндилар

ҳисобини юритиш, паспортлаш, чиқиндилар кўмиб ташланадиган ва утилизация қилинадиган жойларнинг давлат кадастри юритилишини ташкил этиш ва амалга ошириш механизмларини йўлга қўйиш, чиқиндихоналарнинг қонунга ҳилоф равишда вужудга келишини олдини олиш, чиқиндихоналарнинг санитария ҳолатини яхшилаш, полигонларга кўмиш учун йўналтириладиган маиший чиқиндилар ҳажмини камайтириш, санитария ва экологик меъёрлар талабларига мувофиқ келадиган замонавий маиший чиқинди полигонларини яратиш, шунингдек мавжуд полигонларни рекультивация қилиш, чиқиндиларни сақлаш, кўмиб ташлаш ва утилизация қилишга доир талабларни санитария муҳофазаси зоналарида белгиланган қоида ва талабларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилиши керак.

2.7. Урбанизация тобора жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда шаҳарсозлик норма ва қоидаларини экологик моделга ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, халқаро ва хорижий давлатларда кенг қўлланилаётган “замонавий шаҳар” концепцияси доирасида мамлакатимизда ҳам шаҳарлар учун экологик талабларни белгилаш, шу жумладан, замонавий, янги қурилаётган шаҳарлар атрофида, албатта, рекреация ва “яшил” зоналардан иборат экологик “белбоғ” бўлиши талабини белгилаш лозим. Шу муносабат билан Шаҳарсозлик кодексининг 10-моддасида белгиланган шаҳарсозлик фаолиятига доир асосий талаблардан бири – атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик талабларини алоҳида моддада очиб бериш зарур. Унда шу жумладан, аҳоли пунктларида яшил зоналарга оид талабларни белгилаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, қонунчиликда аҳоли пунктларидаги яшил ҳудудларнинг миқдор мезонларини аниқ белгилаш, катта шаҳарларда аҳоли учун ҳаётий зарур яшил ҳудудларнинг ҳар бир одам учун меъёрларини ўз ичига олган нормативларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш керак бўлади.

III. Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тартиби билан боғлиқ амалиётни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:

3.1. Шаҳарлар учун долзарб муаммоларни ҳал қилиш шаҳарлар “ифлосланиши” даражасига асосланган ижтимоий муносабатларга таъсир қилишнинг замонавий усуллари ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак. Шу маънода ҳар йили Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан жамоатчилик вакилларини кенг жалб қилган ҳолда шаҳарларнинг “экологик рейтинги”ни юритиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

3.2. Мамлакатимизда сўнгги 4 йилда шаҳарларда чанг-газ миқдори меъёрдан 4 баравар ошганлиги, юртимиз ҳудудларида яшил майдонлар 3-4 бараварга қисқариб кетганлиги, кўп қаватли уйлар оралиғидаги бўш жойларда қурилишлар қилиш ҳолатлари кўпайганлиги шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда ижтимоий экспертиза таомилини жорий этиш заруратини юзага

келтирмоқда. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда ижтимоий экспертиза таомилининг қўлланилиши маҳаллий аҳолини шаҳарсозлик ўзбошимчаликларидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг жиддий воситаси сифатида шаҳар аҳоли пунктлари атроф муҳитини ҳимоя қилишда самарали чора бўлади.

3.3. Бугунги кунда аҳоли пунктларида, айниқса Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ҳамда вилоятлар марказларида қурилишларнинг ҳаддан зиёд кўпайганлиги атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатаётганлигини инобатга олиб, туман (шаҳар)ларнинг бош режаси тасдиқланмагунга қадар ёхуд бир йил давомида қурилиш ишларига мораторий эълон қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда тасдиқланган лойиҳа асосида бошланган қурилиш ишлари якунланиши, мораторий муддати давомида эса янги қурилиш лойиҳалари тасдиқланмаслигига эътибор қаратиш зарур. Шунингдек, шаҳарларнинг бош қурилиш режаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш муддати қонунчиликда аниқ белгиланиши зарур.

3.4. Шаҳарлар аҳоли пунктларида атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳим йўналишларидан бири иқтисодий рағбатлантириш, хусусан, шаҳарларда атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловларни тартибга солиш ҳисобланади. Ҳозирги вазият таҳлили шуни кўрсатадики, корхоналар атроф муҳитни ифлослантириши ва уни муҳофаза қилишга сармоя киритмаслиги уларга кўпроқ фойда келтиради. Атроф муҳитни ифлослантирганлик тўловларининг амалдаги меъёрлар миқдори етарлича эмас. Мавжуд тўловларни индексация қилиш инфляция даражасидан анча орқада қолиши натижасида улар рағбатлантирувчи ролини йўқотмоқда. Шунинг учун шаҳарларда атроф муҳит ифлосланиши учун тўловларни индексация қилишда жорий даврда инфляциянинг реал ўсишини ҳисобга олиш керак. Шу билан бирга ушбу маблағлардан фойдаланишнинг мақсадли хусусиятини таъминлаш мақсадида мазкур маблағларни шаҳарлардаги атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш тадбирларига йўналтириладиган турли хил тўловлардан ажратмалар қилиш орқали мақсадли бюджет маблағлари тизимини яратиш лозим.

3.5. Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда аҳоли пунктларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тизими ва қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида чиқиндиларни тоифаланган ҳолда тўплаш ва топшириш тизимини тўлиқ жорий этиш, ушбу тизимга риоя этганлик учун иқтисодий рағбатлантириш механизмларини аниқ белгилаш, йирик тадбиркорлик субъектларини экологик масъулиятли фаолиятини рағбатлантириш, аҳоли пунктларида чиқиндиларни жойлаштириш талабларини бузганлик учун жавобгарлик тизимини қайта кўриб чиқиш ва дифференциациялаш, аҳоли ўртасида масъулиятли истеъмолчи концепциясини фаол тарғиб қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда ушбу соҳага замонавий технологияларни

кенг жорий этиш, чиқиндидан биологик ёқилғи, энергия олишга ўтиш, шаҳарсозлик фаолиятида аҳоли иштирокини кенгайтириш, шаҳарсозлик режалари ишлаб чиқилишини жадаллаштириш зарур.

3.6. Аҳоли пунктларининг барқарор ривожланишини таъминлаш, шаҳарларда экологик муаммоларнинг салбий оқибатларини юмшатиш, шунингдек аҳолини шаҳарсозлик ўзбошимчаликларидан ҳимоя қилиш мақсадида ҳар бир шаҳарнинг 10-30 йилга мўлжалланган истиқболли бош қурилиш режалари бўлишини таъминлаш зарур. Мамлакатимизда шаҳарларнинг бош қурилиш режаларини ишлаб чиқишда ўрта истиқболда босқичма-босқич “экологик шаҳарлар” барпо этишга ўтишни режалаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳоли пунктларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ваколатларини кенгайтириш юзасидан чоратадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

**SCIENTIFIC COUNCIL № DSc.07/30.12. 2019.Yu.22.01
FOR AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

UZAKOVA GUZAL SHARIPOVNA

**LEGAL ORDER OF USAGE AND PROTECTION OF NATURAL
RESOURCES IN SETTLEMENTS**

12.00.06 – Natural resources law. Agrarian law. Environmental law

DOCTOR OF LEGAL SCIENCE (DSC) DISSERTATION ABSTRACT

Tashkent 2021

The topic of the doctoral dissertation (DSc) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2017.3.DSc/Yu69.

The doctoral dissertation has been prepared at Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) on the website of the Scientific Council (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) and of "ZiyoNet" Information and Educational Portal (www.ziynet.uz).

| | |
|-------------------------------|---|
| Scientific supervisor: | Usmonov Muhammadi Bakhriddinovich Doctor of Science in Law, Professor |
| Official opponents: | Kholmuminov Jumanazar Toshtemirovich Doctor of Science in Law, Professor Safarov Djakhongir Ismailovich Doctor of Science in Law, Associate professor Nurmatov Mirgolib Mirzayevich Doctor of Science in Law, Associate professor |
| Leading organization: | Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan |


The defense of the dissertation will take place on December 17, 2021 at 10.00 at the meeting of the Scientific Council No. DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 at Tashkent State University of Law (Address: 100047, Tashkent city, Sayilgokh street 35. Phone: (99871) 233-66-36; Fax: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

The dissertation is available at the Information Resource Center of Tashkent State University of Law (registered under No. 999). (Address: 100047, Tashkent city, Amir Temur street, 13. Phone: (99871) 233-66-36).

The abstract of the dissertation was distributed on December 7, 2021.

(Registry protocol No.18 on December 7, 2021)




U. Rustambekov
Chairman of the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Juridical Science, Professor

D.Y. Khabibullayev
Secretary of the Scientific Council on awarding scientific degrees, Candidate of Juridical Science, Professor

S.S. Gulyamov
Chairman of Scientific seminar under the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Juridical Science, Professor



INTRODUCTION (abstract of DSc thesis)

The importance of the dissertation topic and demand for it. Ensuring the rights of citizens to a favorable natural environment by ensuring the sustainable development of settlements in the world is becoming increasingly important. In this case, protection of settlements from negative anthropogenic impact, selection of optimal forms of nature use in such areas, ensuring the growth of ecologically oriented economy, implementation of “green” standards in construction activities are recognized as important areas of sustainable development. According to the UN, the world’s population reached 8 billion in 2021 and will increase to more than 2 billion by 2050¹. By the middle of the 21st century, the urban population will increase by an average of 200,000 people per day, with seven out of ten people living in urban areas². Under such conditions, the volume of natural resources involved in economic circulation, the amount of damage to the environment will increase, and the volume of land allocated for industrial, transport, communications, energy and other economic purposes will also increase. In this case, in settlements, which are a natural-anthropogenic system, it is important to ensure the environmental safety of the population.

The main environmental problems in the world that need to be addressed in settlements are atmospheric air, water, soil pollution, the effects of noise, the reduction of green areas in cities and adjacent areas, lack of a unified state policy on environmental development of cities, the partial greening of spatial planning and urban zoning. The solution to these problems is to move to the path of green growth, increase energy efficiency and development of renewable energy sources, the introduction of waste-free technologies, green the construction process (including the construction of energy-efficient buildings and housing), the introduction of environmentally friendly innovative technologies, improvement of organizational and legal measures for environmental protection in settlements to achieve compliance with the norms of trees and other green areas in settlements, effective management of activities related to household waste.

These directions are a priority in the state environmental policy of the Republic of Uzbekistan, and at the current stage of reforms in the country, comprehensive program measures are being taken to ensure that citizens live in ecologically safe and comfortable environment in settlements. In particular, systematic measures are being taken within the framework of the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 and the state programs adopted for its implementation³. As a logical

¹ Website: www.countrymeters.info (World Population)

² State of world's cities 2012/2013. Prosperity of Cities. United Nations Human Settlements Programme, 2012.

³ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of February 7, 2017 No. DP-4947 “On the Action Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan” // www.lex.uz; Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of January 22, 2018 No. DP-5308 “On the State Program for the implementation of the Action Strategy for five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 in the “Year of Supporting Active Entrepreneurship, Innovative Ideas and Technologies”

continuation of these measures, the Head of our state has identified the fight against today's global environmental problems and their negative impact as a separate – the sixth direction of the “New Uzbekistan Development Strategy”⁴.

This dissertation research serves to a certain extent to execute the tasks set out in the Laws of the Republic of Uzbekistan “On Nature Protection” (1992), “On Ecological Expertise” (2000), “On Environmental Control” (2013), “On protection of the atmospheric air”, Urban Development Code (2021), Land Code (1998), “The concept of environmental protection of the Republic of Uzbekistan until 2030”, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan on October 30, 2019, No. DP-5863, Resolution “On measures to implement the national goals and objectives in the field of sustainable development until 2030”, approved by the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on October 20, 2018, No. 841, “Strategy of the Republic of Uzbekistan for the transition to a green economy in 2019-2030”, approved by the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan on October 4, 2019, No. RP-4477 and other relevant laws.

The compliance of the research with the priority directions of scientific and technological development of the republic. This research corresponds to the priority direction of the development of science and technology of the republic I. “The ways to form and implement a system of innovative ideas in the social, legal, economic, cultural, spiritual and moral development of an informed society and a democratic state”.

Review of foreign research on the topic of the dissertation⁵. Environmental and legal research in the field of use and protection of natural resources in settlements is carried out in higher education institutions and research centers of developed countries, including Cambridge University, Manchester University, Oxford University, Centre for Environmental Policy Imperial College London (the United Kingdom), The University of Applied Sciences Mittweida, Humboldt Universitat (Germany), The University of Sorbonne (France), National University of Seoul (the Republic of Korea), Kyoto University (Japan), Indiana University, Yale Center for Environmental Law and Policy, IUCN Academy of Environmental Law, Odum School of Ecology University of Georgia, Massachusetts Institute of

// www.lex.uz; Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of January 17, 2019 No. DP-5635 “On the State Program for the implementation of the Action Strategy for five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 in the “Year of Active Investments and Social Development” // www.lex.uz; Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. DP.5953 of March 2, 2020 “On the State Program for the implementation of the Action Strategy for five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 in the “Year of Science, Enlightenment and Developing Digital Economy” // www.lex.uz; Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. DP-6155 of February 3, 2021 “On the State Program for the implementation of the Action Strategy for five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 in the “Year of Supporting Youth and Improving Population Health”// www.lex.uz.

